

## Тил билган эл танир

Дил ва элни билиш аслида, тилни билиш тўла ўзлаштиришдан бошланади. “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети “Инглиз тили” кафедраси томонидан 2018 йил 21 сентябрь куни факультетга қарашли Б-01 лингофон ўқув хонасида ҳафтанинг Жума куни “Инглиз тили”да сўзлашиш куни тадбири доирасида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда факультет декани О.Кучаров, декан ўринбосари Ж.Турдиев, “Инглиз тили” кафедраси мудир Ф.Бегов ва кафедра профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба ёшлар иштирок этдилар. Ҳозирги кунда “Инглиз тили” кафедраси қошида “Linguist” тўгараги ва арзонлаштирилган пуллик “Advanced Generation” курслари ташкил этилган бўлиб, “Linguist” тўгараги ҳафтанинг пайшанба куни, арзонлаштирилган пуллик “Advanced Generation” курси эса ҳафтанинг деярли ҳар куни дарслар олиб борилаётгани тўлиқ инглиз тилида маълумотлар тақдим этилди. Тўгаракда ёш иқтидорли талабаларга турли қизиқарли мавзуларда баҳс-мунозаралар, суҳбатлар ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

“Advanced Generation” арзонлаштирилган пуллик курсида институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларга инглиз тили фанидан чуқур билим бериб борилмоқда. Тадбир давомида инглиз тилида қўшиқ, тақдимотлар намойиш этилди. Тадбир сўнгида инглиз тилида талаба ёшлар билан савол-жавоб ва суҳбат бўлиб ўтди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.



**“СХТЭваБ” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**